
"ДХХ КУБОГИ" ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Бир неча кундан бери давом этаётган 18-30 ёшгача бўлган уюлмаган ёшлар ўртасида "Спортни сев, спорт билан яша" шиори остидаги мини футбол бўйича туман "Давлат хавфсизлик хизмати бўлими бошлиғи Кубоги" мусобақаси ўз ниҳоясига етди. Ушбу мусобақада 17-20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида 1-ўрин Пандигон, 2-ўрин Оқер ва 3-ўрин Пастки Булоқбоши МФЙ жамоаларига насиб этди. 21-25 ёшлар ўртасидаги ўйинларда 1-ўрин Мевазор, 2-ўрин Авазбой ва 3-ўрин Боғистон МФЙ жамоалари совриндор бўлишди. 26-30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида 1-ўрин Оқер, 2-ўрин Қуйи Авазбой ва 3-ўрин Т. Аҳмедов МФЙ жамоаларига насиб этди. Мусобақа якунида ғолиб бўлган жамоаларга туман ҳокимлиги ва туман Хавфсизлик бўлими бошлиғи томонидан диплом ва эсталик совғалар билан тақдирландилар.

2021-05-12 16:43:54